



## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШНИНГ АЙРИМ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

**Зарипов Дилмурод Бахромович**

*“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ бошқарув раис ўринбосари.  
Тошкент, Ўзбекистон. [abdusalomov440@mail.ru](mailto:abdusalomov440@mail.ru)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a12](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a12)

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш орқали жалб этувчанлик муҳитини яратиш ва мамлакатда мавжуд инвестицион имкониятларни амалга оширишдаги муҳим масалалари ёритилган бўлиб, инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда капитал оқимини самарали бошқаришда иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш тадқиқ қилинган. Бунинг натижасида инвестицион муҳитни яратишда унинг “шаффоф”лигини белгилашнинг устивор йўналишлари белгиланган.

**Калитли сўзлар:** инвестор, инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит, жозибadorлик, инвестиция дастури, ҳудуд, бизнес юритиш, рақобат, ишлаб чиқариш, модернизациялаш, самарadorлик, инновация, капитал.

### **Abstract**

The article highlights the important issues of creating an attractive environment by improving the investment environment in Uzbekistan and the implementation of existing investment opportunities in the country. The creation of economic and legal conditions for the effective management of capital flows in increasing the attractiveness of the investment environment is researched. As a result of this, priority directions for determining the "transparency" of the investment environment have been determined.

**Key words:** investor, investment, foreign investment, investment environment, attractiveness, investment program, territory, doing business, competition, production, modernization, efficiency, innovation, capital.

### **Аннотация**

В статье освещены важные вопросы создания привлекательной среды путем улучшения инвестиционной среды в Узбекистане и реализации существующих инвестиционных возможностей в стране. Создание экономических и правовых условий для эффективного управления потоками капитала в повышении инвестиционной привлекательности. исследуется окружающая среда. В результате этого определены приоритетные направления определения «прозрачности» инвестиционной среды.

**Ключевые слова:** инвестор, инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционная среда, привлекательность, инвестиционная программа, территория, ведение бизнеса, конкуренция, производство, модернизация, эффективность, инновации, капитал.

## **Кириш**

Жалб этувчан муҳитни яратиш учун салоҳиятли инвесторларга мамлакатда мавжуд инвестицион имкониятлар ҳақида реклама-ахборот маълумотларини узлуксиз доимий тақдим этиш ва ўтказиш керак. Шу билан бирга чет элда инвестицион кўргазмалар, тақдимотлар ва семинарлар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш йўли билан хабардор қилиш талаб қилинади. Халқаро инвесторлар билан ишлашда, айниқса, қабул қилувчи мамлакатда умумиқтисодий ёки инвестицион фаолиятнинг норматив шароитларини ўзгариши рўй берган ҳолларда ахборот кўмаги зарур элемент ҳисобланади. Ахборот сифати иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Чунки ахборотнинг тўлиқлиги ва очиқлиги бозордаги рақобат даражасини белгилаб беради ва ресурсларнинг агентлар томонидан тақсимланиши, рискларни баҳолаш ва талаб қилинаётган даромадлилик даражасини белгилаб беради. Шу билан бирга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши, очиқ ахборотларнинг кўчкисимон ўсишига олиб келади. Маълумотларнинг долзарблиги, унинг ишончлиги даражаси билан муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони ўз ўрнида қабул қилинганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур фармонда глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилганлиги, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилиниши келтирилган[1].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитининг аҳамияти борасида бир қатор иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари мавжуд. Жумладан, Ш.Шодмонов, У.Ғафуровларнинг фикрича, “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир” [2].

Мамлакатимизнинг инвестицион салоҳиятини Р.Юлдашев қуйидагича баҳолайди: “Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир” [3].

Проф. Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, қуйидагича таъриф бериб ўтган: “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади” [4].

Проф. Н.Ҳ. Ҳайдаров инвестициялар мазмун–моҳиятига қуйидаги таърифни беради: “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир” [5].

Шу билан бирга инвестиция муҳити борасида Россия иқтисодчи олимларидан Т.Данко ва З.Окрут «қулай инвестиция муҳитини яратиш учун ҳамда ишлаб чиқаришни,

савдосотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантирувчи омил, механизм», деб биладилар [6].

### **Тадқиқот методологияси**

Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳити борасидаги бир қатор мавжуд муаммоларни татбиқ этиш билан биргаликда натижаларни ўрганиш бўлиб, бу инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳити жозибадорлигини ҳаётга кенг қўлланилиши билан боғлиқ асосий муаммоларни бартараф этишнинг давлат миқёсида ҳал этилишининг аҳамияти ёритилди. Инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлашнинг асосий мақсади фаол инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишдир.

### **Таҳлил ва натижалар**

Замонавий ишбилармонлик оламида ахборотларга талаб катта, шу сабабли кўплаб мамлакатлар ахборот истеъмолчиларининг улар учун муҳим бўлган керакли стереотипларни шакллантиришга таъсир этган ҳолда ахборот истеъмолчиларининг олдида ўзининг устунликларини тарғиб қилиш борасида фаол ва агрессив сиёсат юритадилар. Бутун мамлакат ва айрим корхоналарнинг ижобий томонини шакллантириш борасида яхши ишлаб чиқилган технологиялар мавжуд. Бақувват инвестицион коорпорациялар ортида оддий инвесторлар туришини ҳисобга олиб, потенциал инвесторлар жойлашган мамлакатлардаги инвесторларга ҳам Ўзбекистондаги рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри акс эттирилиши борасида кенг қамровли амалий ишлар талаб қилинади.

Таъкидлаш лозимки, бу борада мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди [7].

Чет эллик инвесторлар билан алоқада бўлиш учун масъул бўлган ва ихтисослашган давлат агентликлари яратиш амалиёти дунёда кенг тарқалган. Бундай агентликлар 100 дан ортиқ мамлакатда амал қилмоқда. Агентликлар учта асосий функцияни бажаради:

1. Потенциал инвесторлар кўз ўнгида мамлакатнинг қулай муҳитини яратиш;
2. Инвестицияларни мақсадли жалб этишни амалга ошириш;
3. Инвесторларга инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.

Инвестицияларни мақсадли жалб этиш уларнинг инвестициялари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим деб кўриб чиқиладиган компаниялар доирасини аниқлаш ва инвестицияларни амалга ошириш истиқболлари билан таништириш мақсадида улар билан бевосита алоқа ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Инвестицияларни жалб этиш бўйича рақобат сиёсати доирасида бундай алоқалар маълум бир тармоқларга, потенциал инвестор ва компаниялар билан ахборот алмашилишига йўналтирилган инвестицион миссия ва семинарларни ташкил қилиш ҳамда агентлик вакилларининг ушбу компаниялар раҳбарияти билан учрашувларини ташкил қилишда мужассамланади. Инвесторлар учун зарур

ахборотлардан иборат бўлган умуммиллий ахборот тармоғини яратиш мақсадга мувофиқ.

Тўпланиб қолган қарзларни қисқартириш учун дебитор-корхона ва кредитор-корхоналарга нисбатан зўрлик ва ёғламачилик сиёсатини эмас балки масъулиятлилиқ даражасини иқтисодий томондан катталигини билдириш сиёсатини юритиш лозим. Корхоналар ва уларнинг менежерларини самарасиз ишлари туфайли менежерларни алмаштиришни осонлаштириш ва умид қилиб бўлмайдиган қарзларни ўз вақтида зарарлар қаторига ўтказиш устидан назоратни таъминлаш зарур.

Корхоналар муддати ўтказиб юборилган қарзлар муаммосини самарали тартибга сола олиши учун давлат зарур инфратузилма яратишга кўмаклашиши лозим. Хусусан, қарзларни тартибга солувчи минтақавий операторлар яратишни рағбатлантириш керак.

Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулдорликнинг ўсиши учун истиқболда рақобат шароитларини тенглаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Самарасиз корхоналар давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан на бевосита, на билвосита қўллаб-қувватланмаслиги лозим. Аксинча, иқтисодиётни янгилаш учун кучли, самаралироқ компанияларни афзал кўриш лозим.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бу жараён ҳеч қачон оғриқсиз бўлмаган ва шундай бўлиб қолаверади. Ўзгаришлар жараёнининг сустлиги айнан шу билан изоҳланади. Бу ердан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ишдан бўшатилган ходимларни қайта ўқитиш ва бошқа ишга жойлаштириш каби махсус дастурлар билан бир пайтда амалга оширилиши, шу билан бирга самарадорликнинг ўсишига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Моҳиятига кўра, бу ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисмлари қуйидаги саъй-ҳаракатлар ҳисобланади:

- мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- корпоратив бошқарувни мустақамлаш;
- шартномани бажариш интизомини кучайтириш;
- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- банк тизими ва молия бозори институтларини ривожлантириш;
- табиий монополияларни ислоҳ қилиш;
- ер ислохотини ўтказиш.

Шу тариқа тўлақонли инвестицион инфратузилмани яратилиши жалб этувчанлик муҳитни яратиш учун хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда қулай инвестицион муҳит иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бош вазифа ҳисобланади, усиз ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва саноати ривожланган мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг мақомини қўллаб-қувватлашга имкон берадиган илмий-техник салоҳиятни сақлашнинг имкони бўлмайти. Инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш талаб қилинади, чунки 2017 йилдан бошлаб қузатилаётган ижобий ўзгаришларга қарамай, у жозибасиз бўлиб қолаверади.

Кўплаб жараёнлар, масалан, маъмурий буйруқбозлик, коорпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, суд тизимининг ишончли ишлашини таъминлаш, коррупцияни бартараф қилиш ва бошқа институционал ўзгаришлар узоқ муддатли характерга эга. Принципиал ва оқилона сиёсат вазиятни тез, доимий ва бетўхтов яхшилашга олиб келади. Шунда

инвесторларда бугунги кун кечаги кундан яхши, эртага эса бугундан ҳам яхшироқ бўлишига ишонч ҳосил бўлиши тайин. Шунинг учун давлатнинг иқтисодий сиёсатида инвестицияларни, жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамғармаларни рағбатлантиришда узоқ муддатли стратегия талаб қилинади.

Давлат инвестициялари, инфратузилма ва иқтисодиётнинг потенциал рақобатбардош секторларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши бир мунча ижобий натижалар бериши муқаррар. Бироқ шу нарса аниқ бўлиши керакки, зарур ресурслар ва улар талаб қилинадиган тармоқларга самарали даражада ишлатилишини назарот қилиш лозим. Бундан хорижий ва маҳаллий инвестицияларга кўпроқ эътибор қаратиш келиб чиқади. Улар эса қулай инвестицион муҳитни талаб қилади.

Кўп ҳолларда инвестициялар самарадорлигидан кўра уларнинг ҳажмини кўплиги инвестициялар самарадорлиги деб қаралади. Гап шундаки, инвестициялар етишмаслиги бизни аввало, инвестициялар ҳажмини оширишга ундайди. Бироқ аслида биз самарадорликни афзал кўришимиз лозим, чунки режа асосидаги иқтисодиётдан бозор ҳўжалигига ўтишда кузатиладиган инвестицион режимларни алмаштириш жараёни яқунланмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирда барча инвестициялар бир хилда фойдали бўлавермайди. Корхоналар, жумладан, маҳаллий инвестицияларнинг катта қисми ҳам самарадорлик кўрсаткичлари бўйича паст бўлиб келмоқда. Албатта, инвестициялар ҳажми қанчалик катта бўлса, уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари лойиҳалар сифатли бажарилганда шунчалик юқори бўлади. Ҳажмнинг ўсиши билан молиялаштирилаётган лойиҳалар рўйхатига киритилиши мумкин бўлган лойиҳалар сони ортади. Бироқ бу рўйхатда биринчи ўринларни энг самарали лойиҳалар эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Охирги пайтларда иқтисодий ўсиш учун истеъмол талабини рағбатлантириш ва аҳолининг пул даромадларини ошириш керак деган нуқтаи назар кенг тарқалди. Ҳатто ойлик маошларни бирданига икки баравар ошириш таклифлари ҳам берилди. Шунинг билан олиш кераки, аҳолининг даромадлари меҳнат маҳсулдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бир пайтагина реал ўсиши мумкин. Бошқа яна бир усул – пулни кўпроқ босиб чиқариш ва номинал пул даромадларини еб юборадиган нарх ўсишини кутиш, бу биз учун кераги йўқ.

### **Хулоса ва таклифлар**

Агар биз инвестицияларни жалб этиш ёки рағбатлантириш ҳақида гапирадиган бўлсак, буни қандай қилган маъқулроқ устувор лойиҳалар ёки инвесторларга бирон-бир имтиёз бериш ҳисобига ёки ҳамма учун бир хил қулай шароитлар яратиш ҳисобига деган савол туғилади. Савол жуда ҳам ўринли, чунки, биринчидан, муайян имтиёзлар, махсус шароитлар тақдим этиш осонроқ ва улардан тезроқ самара олиш мумкин. Биз учун айнан шундай амалиёт кўпроқ характерли.

Юзага келган вазиятда инвесторлар учун айрим имтиёзларни, масалан, солиқ кодексида кўзда тутилган инвестицион солиқ кредитини қўлламасликнинг имкони бўлмайди. Бироқ, қоидага кўра, инвестициялар учун шароитларни умумий яхшилаш, масалан, солиқлар бўйича имтиёзлар ўрнига солиқ юкини умумий пасайтириш самаралироқ бўлади.

Капитал оқимининг чиқиб кетишини тўхтатиш учун нима қилиш кераклиги асосий муаммолардан бўлиб келмоқда. Бу ерда иккита тамомила ҳар хилли ёндашувлар мавжуд, бироқ улар бир-бирини тўлдириб туради.

Биринчи ёндашув – маъмурий чекловлар ва давлат назоратини кучайтириш.

Иккинчи ёндашув – капитални олиб чиқиб кетиш фойдасиз бўлиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш муҳимроқ ва истиқболлироқ ҳисобланади. Бироқ капитал оқимининг таркибий хусусияларини, унинг турли таркибий қисмларини ҳисобга олиш лозим. Улар эса қуйидагича:

- ошкора ёки ярим ошкора (яъни солиқ тўлашга тайёр) капитал – сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорликдан, мулк ҳуқуқига солинаётган таҳдидлар ва трансакция харажатларининг юқорилигидан қочиш мақсадида ишончлироқ ва фойдалироқ жойлаштиришни излайди;

- ноқонуний йўл билан ишлаб топилган пулларни «ювиш» мақсадида капитал оқими келиб чиқиши.

Биринчи оқимнинг кескин ўзгариши қўлай инвестицион муҳит яратиш вазифасининг ўзи билан бир хил аҳамиятга эга.

Шунингдек, инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ишларда устуворликларни ҳам белгилаш лозим. Экспертлар фикрига кўра коррупция ва жинойтчиликка қарши кураш, суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва корпоратив бошқарувни яхшилаш, Ўзбекистон корхоналарининг чет эллик инвесторлар ва кредиторлар учун «шаффоф»лиги инвестицион муҳитни яхшилашнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2020 йил 20 март.

2. Ш.Шодмонов, У.Ғофуров. Иқтисодий назарияси. Дарслик. Тошкент: Иқтисодмолия, 2018. 347 бет.

3. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. Т.: Иқтисодий, 2018. — 93-С.

4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” нашриёти. 2013. 26 бет.

5. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2003. 29 б.

6. Данько Т.П., Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. –М.: «ИНФРА-М», 2018. – С. 31.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-5635-сонли Фармони. 2019 йил 17 январь, “Халқ сўзи” газетаси -1-2 б. 18.01.2019 й.